2023-YIL – INSONGA E'TIBOR VA SIFATLI TA'LIM YILI

# Qishloq hayoti

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

2023-yil 28-iyun, Payshanba | № 27 (9243)-son | e-mail: infoqishloqhayoti@yandex.ru | @Qishloqhayoti_gazetasi

## МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Бугун юртимизда кенг нишонланаётган Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан сиз, азизларни, муҳтарам фахрийларимизни чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Бу айём нафақат ўз ҳаётини шу соҳага бағишлаган фидойи инсонлар, балки уларнинг машаққатли ижод ва меҳнат маҳсулидан баҳраманд бўладиган миллионлаб муштарийлар, тингловчи ва томошабинлар, бутун жамиятимиз учун ҳам қадрлидир.

Мана шундай кунларда миллий матбуотимизнинг тамал тошини қўйган жадид боболаримизнинг "**Матбуот фикрлар тилмочи, миллат ва эл-юрт ривожи йўлида хизматчи, одамлар онгу шуурининг қуёши, ҳар кимнинг виждонига тутилган кўзгу бўлмоғи лозим**" деган фикрлари ҳозирги кунимиз учун ҳам ғоят муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлашимиз табиийдир.

Маърифатпарвар аждодларимизнинг бу олижаноб орзу-интилишлари фақатгина мустақиллигимиз туфайли рўёбга чиқди.

Кейинги йилларда юртимизда рўй бераётган тарихий ўзгаришлар натижасида оммавий ахборот воситаларини эркин фикр минбарига, халқимиз манфаатларининг фаол ҳимоячисига айлантириш учун мустаҳкам ҳуқуқий замин, ижтимоий муҳит яратилди.

Биз мамлакатимизда сўз ва матбуот эркинлигини, ахборот олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқини таъминлаш масаласини инсон қадрини улуғлаш, демократик жамият ва халқпарвар давлат қуришга қаратилган тараққиёт стратегиямизнинг муҳим ва ажралмас қисми, деб биламиз.

Янгиланган Асосий қонунимизда ушбу йўналишдаги конституциявий қоидалар янада мустаҳкамлаб қўйилгани бу борадаги саъй-ҳаракатларимиз бардавом эканини кўрсатади.

Ҳозирги кунда юртимизда 2140 та ёки 2016 йилга нисбатан 626 та кўп оммавий ахборот воситаси фаолият юритмоқда. Уларнинг 65 фоизи нодавлат медиа воситалари экани соҳада таркибий ўзгаришлар изчил амалга оширилаётганидан далолат беради. Анъанавий нашрлар билан бирга интернет нашрлар ҳам жадал ривожланиб, уларнинг сони 745 тага етгани ва ўқувчилар оммасини тобора кўпроқ ўзига жалб этаётганини қайд этиш лозим.

Давлат идоралари ва маҳаллий ҳокимликлар таркибида ахборот хизматлари йўлга қўйилгани халқ билан мулоқотни кучайтиришга сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлиги, шаффофлиги ва ҳисобдорлигини таъминлаш, уларнинг очиқлик борасидаги самарадорлик кўрсаткичларини белгилаш ҳамда илғор халқаро стандартлар асосида баҳолаш тизими жорий этилди. Жумладан, яқинда биринчи марта ўтган йил якунларига кўра, давлат органлари ва ташкилотларида амалга оширилган ишларни баҳолаш бўйича Очиқлик индекси натижалари эълон қилингани бу йўлдаги муҳим қадам бўлди.

Мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари халқаро ахборот маконига ҳам дадил кириб бормоқда. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамда бир қатор хусусий телестудияларнинг кўрсатувлари жаҳоннинг 100 дан ортиқ давлатларига узатилмоқда. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, "Дунё" ахборот агентлиги ўз хабарларини 10 та хорижий тилда тарқатмоқда.

Кейинги вақтда юртимизда китобхонликни оммалаштиришдек эзгу ишга нашриёт-матбаа соҳаси ходимлари ҳам муносиб ҳисса қўшаётганини алоҳида эътироф этиш лозим. Сўнгги йилларда республика нашриётлари томонидан 132 миллион нусха бадиий китоб ва бошқа адабиётлар чоп этилгани китобсевар халқимиз, авваламбор, ёшларимизнинг онгу тафаккурини юксалтиришда муҳим роль ўйнаши шубҳасиз.

Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ушбу соҳа учун уч йил муддатга даромад солиғи бўйича имтиёзлар берилгани уларнинг иқтисодий ҳолатини барқарорлаштиришда катта мадад бўлмоқда.

Азиз дўстлар!

Бугунги шиддатли даврнинг ўзи барча соҳалар қатори ахборот йўналишида ҳам олдимизга ўта долзарб вазифаларни қўймоқда.

Ҳозирги вақтда ер юзининг турли бурчакларида юз бераётган, барчамизни ташвиш ва хавотирга солаётган воқеаларни ҳисобга оладиган бўлсак, глобал дунёда ахборотлашув жараёнларининг таҳдидли жиҳатлари ҳам борлиги ва улар тобора кучайиб бораётганидан кўз юмолмаймиз.

Дунёнинг айрим минтақа ва ҳудудларида оммавий ахборот воситалари муайян сиёсий кучлар қўлида информацион урушни авж олдиришга, жамоатчилик фикрини чалғитишга, оқни – қора, қорани – оқ, деб кўрсатишга хизмат қилаётганини афсус билан қайд этишга тўғри келади.

Ахборот маконидаги устунлик кўп нарсани ҳал этадиган бугунги мураккаб вазиятда халқимиз сиз, азизларни демократик матбуотнинг асосий шарти ва талаби бўлган холислик, ҳаққонийлик, миллий манфаатларимизга содиқлик каби принципларга амал қилиб, ўз билим ва салоҳияти, ўткир қалами ва ҳароратли сўзи билан жамоатчиликка ижтимоий жараёнлар моҳиятини англаб етишга кўмаклашадиган, уларни бузғунчи ахборот хуружларидан ҳимоя қиладиган фидойи инсонлар, деб билади.

Биз жамият ҳаётида учраётган камчилик ва муаммоларни бартараф этиш, бюрократия ва коррупция каби иллатларга қарши курашишда, аввало, сиз ҳурматли журналист ва блогерлар, айниқса, миллий медиа маконимизга янги ғоя ва ташаббуслар билан кириб келаётган истеъдодли ёшларимизга таянамиз.

Шу боис кенг миқёсда фикрлайдиган, она тили билан бир қаторда хорижий тилларни, ахборот технологияларини пухта ўзлаштирган, юксак малакали, ватанпарвар журналист кадрларни тайёрлаш масаласига устувор аҳамият қаратилмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети, Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Тошкент давлат шарқшунослик университети, Қорақалпоқ давлат университети, Бухоро давлат университети каби таълим муассасаларида журналистика йўналиши бўйича юзлаб мутахассислар тайёрланаётгани ҳам шундан далолат беради.

Ушбу олий таълим даргоҳларида талаба ёшларимиз босма оммавий ахборот воситалари ваноширлик иши, аудиовизуал журналистика, интернет журналистикаси ва менежменти, медиа назарияси ва амалиёти, ҳарбий ва спорт журналистикаси, рақамли медиа, халқаро муносабатлар сингари йигирмадан зиёд таълим йўналишлари бўйича юқори малакали профессор-ўқитувчилардан маҳорат сирларини ўрганаётгани айниқса эътиборлидир.

Биз Янги Ўзбекистоннинг янги журналистикасини яратиш вазифасини ўз олдимизга қўйган эканмиз, бу борадаги миллий анъаналаримиз билан бирга ривожланган давлатлар тажрибасини ҳам ҳар томонлама ўрганишимиз, оммавий ахборот воситалари бўйича дунёдаги етакчи олийгоҳлар, нуфузли халқаро ташкилотлар ва медиа компаниялар билан ҳамкорлик алоқаларини янада кучайтиришимизни ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда.

Шу сабабли оммавий ахборот воситаларини изчил ривожлантириш бундан буён ҳам эътиборимиз марказида бўлиб қолади.

Бу соҳада олдимизда турган вазифаларни аниқ белгилаб олиш ва амалга оширишда ҳозирги вақтда Ўзбекистон Журналистлари уюшмаси томонидан тайёрланаётган Миллий маъруза катта амалий аҳамият касб этади, деб ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, давлатимиз ва жамиятимиз оммавий ахборот воситалари ходимларининг иш ва турмуш шароитларини яхшилаш, уларнинг машаққатли ва масъулиятли меҳнатини рағбатлантириш, соҳанинг моддий-техник ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш учун зарур ёрдам кўрсатишга тайёр эканини яна бир бор таъкидлайман.

Сизларни қутлуғ касб байрамингиз ҳамда яқинлашиб келаётган улуғ айём – Қурбон ҳайити билан табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, ижодий фаолиятингизда янги ютуқлар, хонадонларингизга бахт-саодат ва файзу барака тилайман.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

## МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда сўз ва матбуот эркинлиги, очиқлик ва ошкораликни мустаҳкамлаш, халқимизнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлашга қўшаётган муносиб ҳиссаси, глобал ахборот майдонида миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш, юртимиздаги янгиланиш жараёнлари, эришилаётган ютуқларни кенг тарғиб этишдаги катта хизматлари, замонавий журналистика йўналишлари учун юксак малакали кадрларни тайёрлаш, ёш авлодни она Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги самарали фаолияти ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

**"МЕҲНАТ ШУҲРАТИ"**
**ОРДЕНИ БИЛАН**

**Бутаев Шойим Примкулович** – "Ҳужжатли ва хроникал фильмлар киностудияси" давлат унитар корхонаси муҳаррири

**Мирзаяров Уктам Хайруллаевич** – "Гулистон" ва "Театр" журналлари бўлим муҳаррири

**Нуритдинов Хайрулла Бокиджонович** – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг "O'zbekiston 24" teleradiokanali" давлат муассасаси директори

**"ДЎСТЛИК"**
**ОРДЕНИ БИЛАН**

**Алимбекова Жумакул Мауленовна** – "Нурлы жол" газетаси масъул котиби

**Арипов Махмуджон Мусинович** – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг "O'zbekiston 24" телеканали бўлим катта муҳаррири

**Ахроров Мирасрор Мирабророович** – "Овози тожик" газетасининг Фарғона ва Андижон вилоятлари бўйича мухбири

**Джунайдуллаева Угилой Инатуллаевна** – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Самарқанд вилояти телерадиокомпанияси гуруҳ муҳаррири

**Ережепов Бахитбай Кенгесбаевич** – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг "Nukus teleradiomarkazi" филиали бош овоз режиссёри, Қорақалпоғистон Республикаси

**Садиков Хусанбори Мирганиевич** – "Муштум" журнали бош рассоми

**Шаметов Бахтиёр Алметович** – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг "Toshkent" teleradiokanali" давлат муассасаси гуруҳ бош режиссёри

**II ДАРАЖАЛИ**
**"СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН"**
**ОРДЕНИ БИЛАН**

**Камилов Сардор Абдурахимович** – "Milliy telekanal" масъулияти чекланган жамиятининг бош муҳаррири ва продюсери

**Оманов Мухиддин Саттарович** – "Ўзбекистон нашриёти" давлат унитар корхонасининг болалар ва бадиий адабиётлар таҳририяти мудири

**Раджабов Дилшод Эсанович** – "Муҳаррир" нашриёти бош муҳаррири

**"СОҒЛОМ ТУРМУШ"**
**МЕДАЛИ БИЛАН**

**Талипжанова Шафоат Манаповна** – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг "Sport" teleradiokanali" давлат муассасаси бош муҳарририяти катта муҳаррири

**Файзиев Даврон Ахмеджанович** – Ўзбекистон футбол ассоциациясининг маркетинг ва медиа бўлими бошлиғи

**"ШУҲРАТ"**
**МЕДАЛИ БИЛАН**

**Абдуназаров Равшан Саттарович** – "Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази" давлат унитар корхонасининг Сурхондарё радиотелеузатиш маркази станция етакчи муҳандиси, Сурхондарё вилояти

**Ажимуратов Азамат Лепесбаевич** – Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг ахборот бўлими бошлиғи

**Арслонова Жамила Амировна** – Зангиота тумани "Истиқбол" газетаси мухбири, Тошкент вилояти

**Ахмедов Иброхим Рахимович** – "Гранд" радиостанцияси бош муҳаррири ва бошловчиси

**(Давоми 2-саҳифада)**





*Пресс-тур*

## Генбанк – МИЛЛИЙ АҲАМИЯТГА ЭГА НОЁБ МАСКАН

**Бундан икки кун олдин Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази тизимидаги йирик илмий тажриба маскани – Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институтига пресс-тур уюштирилди. Бўзсув бўйидаги сўлим манзилда жойлашган ушбу илмий даргоҳ ниҳоятда сир-синоатларга бой экан. Пресс-тур давомида жуда қизиқарли маълумотларга эга бўлдик. Институтдаги мавжуд Генбанк миллий аҳамиятга эга деб тан олиниб, унда бугунги кунда 43мингдан зиёд экин навлари сақланаётган, ушбу навлар орасида 100 йилликлари ҳам мавжуд экан. Эътиборли жиҳати, мазкур илмий-тадқиқот институти Марказий Осиёда қишлоқ хўжалик экинларининг йирик дунёвий коллекциялари сақланаётган ягона илмий ташкилот ҳисобланади.**

**(Давоми 2-саҳифада)**

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

## ОЛИЙ ТАЪЛИМГА ҚАБУЛ ЖАРАЁНИ ҚАНДАЙ ТАШКИЛ ЭТИЛМОҚДА?

*Навоий давлат кончилик ва технологиялар университетида янги ўқув йили учун қабул жараёнлари юзасидан матбуот анжумани ўтказилди.*

Университетнинг масъул мутасаддилари, қабул комиссияси аъзолари ва ОАВ вакиллари иштирок этган анжуман аввалида университет ректори, техника фанлари доктори Бахтиёр Мардонов сўзга чиқиб, қабулни юқори савияда ўтказиш мақсадида таълим даргоҳида ташкил этилган Қабул комиссияси фаолияти юзасидан ахборот берди. Жумладан, давлат олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари ҳақида айтиб ўтилди. Яъни янги ўқув йилида университет бакалавриатининг кундузги таълим шаклида "бюджет" ўринлари сони 305 тани, магистратура бўйича эса давлат гранти 71 тани ташкил этиши таъкидланди.

Янги ўқув йилидан университетга "Профессионал таълим", "Логистика", "Қурилиш муҳандислиги" каби қатор янги йўналишларда талабалар қабул қилинмоқда. Шунингдек, тадбирда университетнинг ўқув ишлари бўйича проректори Набижон Абдуазизов ҳам сўзга чиқиб, жорий йилги қабулнинг аввалги йиллардан фарқи, абитуриентлар учун яратилган қўшимча қулайликлар ҳақида маълумотлар берди.




Матбуот анжуманидан сўнг журналистлар "Call center" фаолияти билан ҳам танишди.

**Отабек АСЛОНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

## УЗОҚ МУДДАТЛИ ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАР ЖИЗЗАХДА

*4-Жиззах округ сайлов комиссияси матбуот марказида муддатидан олдин овоз бериш жараёнларига тайёргарлик масалаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.*

Тадбирда 4-Жиззах округ сайлов комиссияси раиси, раис ўринбосари, масъул котиби, аъзолари, марказий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ДИИҲБ) узоқ муддатли халқаро кузатувчилари иштирок этди.

Округ сайлов комиссияси раиси Шавкат Шарипов олиб борган анжуман ишини ЕХҲТ ДИИҲБнинг узоқ муддатли халқаро кузатувчилари жаноб Эрлан Джунушев ҳамда Джоан Адель Браун хоним кузатиб борди.

4-Жиззах округ сайлов комиссияси раиси тадбир иштирокчиларига сайлов участкаларидаги тайёргарлик ҳақида атрофлича маълумот берди.

– Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида сайловчиларнинг муддатидан олдин овоз беришини ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси сайлов кодексининг 14-, 16- ва 57-моддаларига асосан Марказий сайлов комиссияси муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчилар учун сайлов участкаларида муддатидан олдин овоз бериш жараёни жорий йилнинг 28 июнь куни бошланиб, 5 июль куни якунланиши ҳақида қарор қабул қилган. Сайлов участкасида муддатидан олдин овоз бериш вақти иш кунлари эрталаб соат 9:00 дан кеча 18:00 га қадар, дам олиш ва байрам кунлари кундузи соат 11:00 дан 17:00 га қадар давом этади, – дея таъкидлади комиссия раиси Ш.Шарипов.

Шунингдек, Марказий сайлов комиссияси котибияти муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларига, шу жумладан, 4-Жиззах сайлов округига округ ҳудудидаги сайловчилар умумий сонининг 5 (беш) фоизи миқдорида сайлов бюллетенлари ва зарур жиҳозлар жорий йилнинг 22 июнига қадар етказиб берилгани таъкидланди.

Бундан ташқари, матбуот анжуманида участка сайлов комиссиялари томонидан сайлов участкаси ҳудудидаги сайловчилар муддатидан олдин овоз бериш куни, вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилингани, уларнинг муддатидан олдин овоз бериш бўйича мурожаатлари қатъий назоратга олингани ҳам қайд этилди.

Матбуот анжумани иштирокчиларининг мавзу юзасидан берган барча саволларига батафсил жавоб берилди.

**А.ҚАЮМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги Қўмитасининг Наманган вилояти бошқармаси ва унинг шаҳар, туман бўлимлари томонидан "Маҳаллабай" тизими бўйича иш ташкил этиш дастури ишлаб чиқилиб, унинг ижросини таъминлаш мақсадида жойларда кенг кўламли ишлар ташкил этилмоқда.

# "МАҲАЛЛАБАЙ" ИШЛАШ ТИЗИМИ ҚАНДАЙ САМАРА БЕРМОҚДА?



Энг аввало, маҳалла фуқаролар йиғинларини мукаммал ўрганиш, таҳлил қилиш учун тажрибали мутахассислар бириктирилди. Маъмурий ҳудуддаги ахоли ўртасида юқумли ва паразитар, ноинфекцион касалликлар билан касалланиш таҳлили, соғлом турмуш тарзи, соғлом овқатланиш масалаларига бағишланган тадбирлар ўтказиш жадвали ишлаб чиқилди. Ҳар хафтада мунтазам ўтказилиши йўлга қўйилган таҳлилий жараёнларни ташкил этиш, муҳокама қилиш, чора-тадбирлар белгилаш, ижросини таъминлашга шахсан шаҳар ва туман бўлимлари бошлиқлари масъул этиб тайинланди. Уларнинг ўтказилаётган тадбирлар натижадорлиги ва ижроси борасида ҳисоботлар бериб бориши қатьий назоратга олинди. Вилоятимиз шаҳар ва туман бўлимларига 448 нафар мутахассис бириктирилиб, кунига ҳар бир ҳудудда ўртача 70-210 тагача хонадон ўрганилмоқда. Ҳозирги кунга қадар 220 та ёки 27,9 фоиз маҳаллаларда таҳлилий, мукаммал тадбирлар ўтказилди. Шу кунгача қамраб олинган хонадонлар сони 136 минг 284 тани ёки 25,9 фоизни ташкил этди. Жойларда ўтказилаётган ўрганишларда аниқланган 57 мингдан зиёд камчилик ва муаммолар бириктирилган соҳа мутахассислари томонидан ижобий ҳал этилди. Камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклиф ва тавсиялар берилди.

Бу янгича тизмнинг аҳамияти шундаки, у санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматини аҳолига янада яқинлаштирди. Мутахассисларимиз аҳолининг турмуш тарзи, яшаши, овқатланиши, уй ҳайвонлари ва паррандаларни сақлаш, парваришлаш шароитлари билан танишиш, шахсий ва жамоат гигиенаси қоидаларига риоя қилиниши борасида юзма-юз туриб, зарур тавсияларини бериб бориш имконияга эга бўлди. Аҳолининг тоза ичимлик суви таъминоти даражасига асосий эътибор қаратилди. Ҳар бир хонадонда чиқиндиларни белгиланган тартибда йиғиш, зарарсизлантириш учун махсус ўралар ташкил этилди. Ундан келгусида экологик тоза қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда фойдаланиладиган маҳаллий ўғит тайёрлаш борасида семинарлар ташкил қилинди. Хонадон, кўча, гузар, ташкилот ва муассасаларнинг бирор қарич ҳам саҳнини бўш қолдирмаслик, атроф-муҳит, ҳавони кислородга бойитувчи қишлоқ хўжалиги экинлари, манзарали ва қурилишбоп дарахтлар, гул, майсалар экиш, парваришлаш борасида кўчалар кесимида семинарлар ташкил қилинмоқда. Аниқланган, мутахассислар томонидан ҳал этиш имкони бўлмаган масалалар йиғилишларда муҳокама этилиб, улар юзасидан туман ҳокимликлари, мутасадди ташкилотларга тақдимномалар киритиб борилмоқда.

Шунингдек, юқумли, паразитар, ноинфекцион касалликлар профилактикаси бўйича ҳам барча хонадонларда мунтазам суҳбатлар йўлга қўйилган. Уй шароитида мева-сабзавотларни консервалашда стерилизация қилиш имконият йўқлиги тушунтирлаётир. Хавфсизлиги кафолатланган мева-сабзавот консерваларини истеъмол қилиш юзасидан тавсиялар берилмоқда. Натижада, вилоятимизда юқорида номи тилга олинган касалликлар билан мурожаат этаётганлар сони кескин камайишига эришилмоқда.

Айни кунларда юртимизда тўкинчилик мавсуми. Кунлар исиб, фуқаролар, айниқса, болалар чўмилиш истагида сув ҳавзаларига шошмоқда. Бу ўз-ўзидан одамлар ва болалар ўртасида ўткир ошқозон-ичак касалликларига чалиниш хавфини юзага келтиради. Бу эса "маҳаллабай" ишлаш бўйича фаолият кўрсатаётган ҳар бир мутахассисимизни янада ҳушёр ва огоҳ бўлишга ундайди.

**Мадаминжон ТОҲИРОВ,**
**Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги Қўмитасининг Наманган вилояти бошқармаси коммунал гигиена бўлинмаси мудири.**



# СУВЧИЛАРГА ҚУРБОН ҲАЙИТИ ТУҲФАЛАРИ БЕРИЛДИ

**Ўзбекистон туманида сув тақчиллиги бошқа туманларга қараганда яққолроқ сезилади.**

Сув манбаи Сўх дарёси бўлиб, унда июнь ойи ўрталарига келиб сув кўпаяди. Фермерлар ўртасида оврон усули қўлланиб, навбатма-навбат сув тутилади. Сувни лимитдан ташқари очиб олиш, сўроқсиз, ўғринча очиш катта жиноят каби қораланади. Сувга тириклик манбаи, ҳаётнинг энг улуғ мўъжизаси сифатида қаралади. Халқимизнинг ризқ-рўзи, экин ва меваларни етиштиришда сувнинг ўрни, сувчи-миробларнинг меҳнати катта. Шуларни ҳисобга олиб айни Қурбон ҳайити арафасида Ўзбекистон туманидаги ирригация, махсус хизмат бўлимлари ва насос станцияларида фаолият кўрсатиб келаётган 120 нафардан зиёд сувчи ва мироблар, соҳа фидойилари муносиб рағбатлантирилди.

"Сариқўрғон" бош иншоотида ташкилланган тадбирда туман ҳокими Шерзоджон Йўлдошев, секторлар раҳбарлари сувчиларни муборак айём – Қурбон ҳайити билан самимий қутлади. Тизимда туну кун хизмат қилаётган 120 нафардан зиёд сувчиларга ун, ёғ ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари ҳайитлик совғалари сифатида улашилди.

**Ҳамиджон БУРҲОНОВ,**
**Сирдарё-Сўх ИТҲБ**
**матбуот котиби.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

**(Боши 1-саҳифада)**

**Ахмедов Қобулжон Холиқович** – "Mening yurtim" телеканали бош директори

**Воҳидов Журъат Самандарович** – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Бухоро вилояти телерадиокомпанияси монтажчиси

**Давлетова Нозимахон Элдаровна** – Миллий масс-медиани қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори

**Жўраев Олим Эргашевич** – Бухоро вилояти ҳокимининг ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси – матбуот котиби

**Исмаилов Музаффар Абдуллаевич** – "Daryo.uz" веб-сайти раҳбари

**Кайсаров Тимур Адихамович** – "Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари таҳририяти масъул котиби

**Кенжаев Руслан Алишерович** – "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари бош муҳаррирининг ўринбосари

**Қосимова Нориниса Эргашевна** – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Сирдарё вилояти бўлими бош мутахассиси

**Мадумарова Бахринса Тўхтасин қизи** – "Zamon.uz" веб-сайти бош муҳаррирининг ўринбосари

**Мазитов Абдураим Маликович** – "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясининг муқовалаш цехи ишчиси

**Мамиров Суюндик Махамматович** – Ўзбекистон Журналистлари уюшмаси бош мутахассиси

**Муминов Эргаш Абдумигатович** – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг "O'zbektelefilm" давлат муассасаси саҳналаштирувчи кинорежиссёри

**Насирова Иродахон Хусановна** – "Zo'r TV" телеканалининг продюсери ва бошловчиси

**Отабоева Гулнора Хосилжоновна** – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Наманган вилояти телерадиокомпанияси "Аср" студияси сиёсий шарҳловчиси

**Расулов Баходир Бахтиёрович** – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг "O'zbekiston 24" телеканали телеоператори

**Рахимова Раъно Мирфазиловна** – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг "O'zbekiston" teleradiokanali" давлат муассасаси сухандони

**Рахимходжаев Зайниддин Хусниддинович** – Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот хизмати ҳузуридаги Медиа-маркази етакчи мутахассиси

**Ризаев Акбар Мансурович** – Ўзбекистон Республикаси Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг Оммавий коммуникациялар масалалари бўйича маркази бошлиғи

**Рузиева Фазила Мухторовна** – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг ихтисослашган фонд ва мажбурий нусхаларни сақлаш хизмати раҳбари

**Саидов Икром Туляганович** – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг "Махсус автокорхона" давлат муассасаси ҳайдовчиси

**Тошниязова Гулмира Хусановна** – "Kun.uz" веб-сайтининг Тошкент шаҳри бўйича мухбири

**Умаров Дилшод Содикович** – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг "Dunyo bo'ylab" telekanali" давлат муассасаси эфирга узатиш бўлими бош режиссёри

**Уринбаева Севара Кучкаралиевна** – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Ахборот хизмати раҳбари – жамоатчилик билан алоқалар бўлими бошлиғи

**Хаитахунов Шукур Джалилович** – Жалақудуқ тумани "Жалақудуқ ҳаёти" газетаси муҳаррири, Андижон вилояти

**Шодиева Лолажон Озодовна** – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг "Mahalla" радиоканали режиссёрлар бўлими бош режиссёри

**Яхшибоева Озода Абдужалоловна** – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Қашқадарё вилояти телерадиокомпанияси гуруҳ муҳаррири

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2023 йил 26 июнь



# Генбанк – МИЛЛИЙ АҲАМИЯТГА ЭГА НОЁБ МАСКАН

**(Боши 1-саҳифада)**

Илмий экспедициялар уюштириш, интродукция этиш ва коллекцияларга жалб этилган ўсимлик материалларини карантин кўригидан ўтказиш орқали ўсимликларнинг миллий генофондини янги намунлар билан бойитиш, ўсимликлар генетик ресурслари жаҳон коллекцияларининг эски репродукция уруғлари унувчанлигини қайта тиклаш ва вегетатив кўпаювчи ва кўп йиллик ўсимликларни тирик ҳолда ушлаб туриш ва уларни миллий генбанкда кафолатли сақлаш, замон талабларига жавоб берадиган навлар яратишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш, жаҳон коллекцияларини ўрганиш асосида навларнинг эволюцияси, филогенияси, систематикаси, иммунитети назарий муаммоларини ҳал этишга йўналтирилган фундаментал ва амалий изланишларни амалга ошириш, минтақамиз учун ноанъанавий экинлар ва доривор ўсимликлар коллекцияларини ташкил этиш, ўрганиш ва уларни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига жорий этиш мазкур институт жамоасининг асосий вазифалари сирасидандир.

Институтнинг қисқача тарихига тўхталадиган бўлсак, 1924 йилда академик Н.И.Вавилов бошчилигида Амалий ботаника, генетика ва селекция бўлими ташкил этилган бўлиб, 1927 йилда Бутуниттифоқ ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институтининг Ўрта Осиё станциясига, 1979 йилда Н.И.Вавилов номидаги Бутуниттифоқ ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институтининг Ўрта Осиё филиалига айлантирилди. Мустақиллигимизнинг илк даврларида институтга Ўзбекистон ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти номи берилди. 2020 йилдан эса институтда бажарилаётган илмий-тадқиқот ишларининг моҳияти институт номига мос келмаслиги туфайли унинг номи Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институтига ўзгартирилди.

Институтнинг миллий генбанкида сақланаётган ўсимликлар генетик ресурслари коллекциялари Марказий Осиё ҳудудида йирик ҳисобланиб, у ботаник, генетик, географик и экологик хилма-хилликка эга бўлган намуналарни ўз ичига олади. Бу ердаги ўсимликлар генетик ресурслари коллекциялари мамлакатимиз мулки ва миллатимизнинг миллий бойлиги ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги экинлари генетик ресурслари ва ундан самарали фойдаланишнинг аҳамияти кейинги йилларда, айниқса, глобал иқлим ўзгаришлари, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ ҳолда яна ҳам ошмоқда. Ҳаво ҳароратининг кўтарилиши, гармселларнинг тез-тез қайтарилиши, сув танқислиги, шўрланган ерларнинг кенгайиши, касал ва зараркунандаларнинг тез ва катта майдонларда тарқалиши ўсимликларнинг унумдорлигини кескин пасайтириб юбормоқда. Бу ҳол селекционерлар олдига экинлар мажмуасини яхшилаш, такомиллаштириш ва янги шароитларга мослашган навлар яратиш ва етиштириш технологияларини ишлаб чиқиш каби муҳим масалаларни қўймоқда. Янги навлар яратиш учун селекционерларни янги, бирламчи материаллар билан таъминлаш зарур. Ўсимликлар генофонди ва қишлоқ хўжалиги экинларининг жаҳон коллекциялари қимматли хўжалик белгиларга эга бўлган бирламчи материаллар манбаи бўлиб, янги нав яратишда муҳим роль ўйнайди.

Ҳар йили республикамиз бўйлаб 2-3 илмий экспедициялар ташкил этилиб, институт генофонди турли хил экинларнинг ёввойи турлари, давр талабига мос, истиқболли янги нав, тизим ва популяцияларига мансуб 50-60 намуна билан бойитиб борилмоқда. Дунёнинг йирик ўсимликлар генофондини сақловчи ташкилотлари билан гермаплазма алмашиниш ишлари йўлга қўйилган. Республикамиз ҳудудига турли касаллик ва зараркунандалар кириб келишининг олдини олиш мақсадида институтнинг интродукцион-карантин кўчатзорида хориждан интродукция қилинган турли қишлоқ хўжалиги экинларининг намуналари фитопатологик, энтомологик текширувидан ўтказилмоқда ва асосий хўжалик белгилари бўйича бирламчи баҳоланмоқда. Текширувдан ўтказилган барча намуналар ўсимликларнинг генетик ресурслари билан ишловчи бўлим ва лабораторияларга кейинги изланишлар учун берилмоқда.

Миллий генбанк республикамизнинг ноёб илмий объектлари рўйхатига 1994 йилда киритилган бўлиб, унинг таркибида уруғшунослик лабораторияси ва ҳужжатлаштириш бўлими фаолият кўрсатмоқда. Уруғ генбанкида ўрта муддатда коллекцион намуна уруғларини сақлашнинг мақбул шароитлари ташкил этилган (ҳаво ҳарорати +40С ва ҳавонинг нисбий намлиги 35%). Айнан шу шароитларда коллекция намуналарини 15-20 йил давомида (экин турига қараб) сақлаш имконияти мавжуд. Автоматлаштирилган ускуна ва мосламалардан кенг фойдаланиш асосида уруғ сақланаётган хона қабул қилинган талабларга мувофиқ, мунтазам равишда назорат остида ушлаб турилади.

Коллекцион намуналарнинг уруғлари унувчалигини қайта тиклаш мақсадида, ҳар йили 50-55 қишлоқ хўжалиги экинларининг 4 мингдан ортиқ намуналари дала шароитида экилади. Мевали экинлар коллекциялари намуналарини тирик ҳолда ушлаб туриш учун агротехник тадбирлар ўз вақтида амалга оширилмоқда. Коллекцион боғларда санитар қирқиш, қатор ораларига ишлов бериш, суғориш ҳамда касаллик ва зараркунандаларга қарши курашиш ишлари олиб борилмоқда.

Турли йиллар давомида институт олимлари томонидан генофонддан самарали фойдаланиш асосида донли, сабзавот, мевали, техник ва бошқа экинларнинг 250 дан ортиқ навлари яратилиб, республика бўйича районлаштирилди. Ҳозирги кунда Давлат реестрига 33 хил экинларнинг 85 та нави киритилган.

Институт кўпгина қишлоқ хўжалиги экинлари навларининг оригинатори сифатида районлашган ва истиқболли навларнинг бирламчи уруғчилик ва кўчатчилик ишларини олиб бориб, уруғчилик ва фермер хўжаликларини сара уруғ ва кўчатлар билан таъминлаб келмоқда.

Институтда минтақамиз учун ноанъанавий экинлар ва доривор ўсимликлар коллекцияларини бойитиш, ўрганиш ва ундан оқилона фойдаланиш асосида халқ ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига жорий этиш бўйича ҳам самарали изланишлар олиб борилмоқда. Буларнинг натижасида, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига ноаънанавий экинлардан стевия, дайкон, сабзавот сояси, кўк нўхот, сарсабил ловияси, топинамбур, батат, баргли карам, тўнғизтароқ каби экинлар жорий этилди.

Шунингдек, қишлоқ хўжалиги экинларини етитириш технологиялари, уруғчилиги ва кўчатчилиги бўйича фермер хўжаликлари ҳамда агрокластерларга илмий-услубий ёрдам кўрсатиш, дала кунларини ташкил этиш ишлари ҳам мунтазам амалга оширилмоқда. Илмий изланишлар Ўзбекистон томонидан имзоланган ўсимликлар генетик ресурслари бўйича халқаро ҳужжатларга мувофиқ равишда олиб борилмоқда.

Яна бир қувонарли ҳолат, генбанкда сақланаётган коллекция намуналарининг сақланиш шароитларини яхшилаш мақсадида, Жаҳон банки иштирокидаги "Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш" мавзусидаги лойиҳа доирасида халқаро талабларга жавоб берадиган институт ҳудудида Миллий генбанкнинг янги биносини қуриш ва халқаро стандартларга мувофиқ уни жиҳозлаш ҳамда генофонд асосида яратилган дуккакли-дон, мойли ва озуқа экинлари янги навларининг бирламчи уруғчилигини олиб бориш бўйича ишларни амалга ошириш режалаштирилган.

Умуман олганда, мазкур институтда олиб борилаётган кенг кўламли ишлар соҳа ривожида муҳим аҳамият касб этмоқда. Прес-тур давомида шулар хусусида батафсил сўз юритилди. Тадбир сўнгида Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан Миллий марказ ва институтлари билан фаол ҳамкорликда ишлаб келаётган бир гуруҳ журналистларга Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази раҳбарияти томонидан эсталик совғалари топширилди.

**Раимқул СУЯРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**



У нафақат тиниб-тинчимас журналист, яхшигина шоир ҳам

Алижон Аҳмедовнинг ибратли ҳаёт йўли акс этган китоб



НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

Соҳамиз фидойилари

*Журналистиканинг қаттиқ нонини еб, қадр топаётган ҳамкасбларимиз кўп. Улардан бири икки дарё оралиғида жойлашган Норин туманида таваллуд топиб, шу ерда умргузаронлик қилиб, ўз ижоди билан бутун мамлакатга бўйлаётган, кўплаб шогирдларнинг устози Равшан ака Мирзаолимов бўлади.*

# РАВШАН АКАНИНГ МАРВАРИД ТУТИ



Наманганнинг чекка бир мактабида ўқиб, журналист бўлишдек оғир ва шарафли касбни танлаган қишлоқ боласи ҳали олдинда уни минг бир машаққатли синовлар кутиб турганини қалбдан хис қилмагандир. Аммо ўзида туман аҳли севиб, ҳурмат кўрсатадиган фидойи муаллимлар, ота-онаси Қоражон ота ва Каримахон аялардан *(Охиратлари обод бўлсин)* олган тарбияси ҳар қандай ҳаётий қийинчиликларни енгишга қодир, метин иродани ҳам мерос қилиб олган эди. Ана шундай мақсад, орзу, режа уни пойтахтга чорлади. 1982 йил Тошкент давлат университетининг *(Ҳозирги ЎзМУ)* журналистика факультетини тамомлади. Кейин икки йил мобайнида Украинада ҳарбий хизматда бўлди. Халқаро миқёсдаги ўқув машқида унинг взводи энг юқори кўрсаткич қайд қилди. Жанговор кўрикда муддатидан олдин катта лейтенант унвони топширилди. Ҳарбий хизматда ҳам, амалиёт ўтаган "Қишлоқ ҳаёти" газетасида ҳам уни ишга қолишга таклиф этишди. Аммо Равшан ака Намангандан, Нориндан воз кечолмади. Ота-онаси бағрига қайтиб, туман газетаси, вилоят телевидениесида мусаҳҳиҳликдан катта муҳаррир даражасидаги ўринларда ишлаб, соҳада кўзи пишди. 1997 йил Норин тумани ҳокимлиги нашри "Норин овози" газетаси муҳаррирлигига муносиб кўрилди.

Янги раҳбар келгач, ходимларнинг, ҳатто туман ҳокимлиги, газетхонларнинг ҳам газетага муносабати тубдан ўзгарди. Республикада биринчилардан бўлиб А-3 форматда, саккиз саҳифада чоп этилиши йўлга қўйилди. Кўплаб янги рукнлар ташкилланди. Мавзулар доираси кенгайди. Мақолаларнинг "тиш-тирноғи" ўткирлашди. Ижодий изланишлар зое кетмади. Равшан Мирзаолимов Тошкент шаҳридаги "Туркистон" саройида ўтказилган "Йилнинг энг яхши ҳуқуқ тарғиботчиси" танловининг ғолиби бўлди.



Ўн беш йил давомида "Мен газета муҳарририман", дея чекланмади. Вилоят телевидениесининг тумандаги мухбири ва тасвирчиси, газета сураткаши, туман ҳокимининг маънавий-маърифий ишлари бўйича масъул котиби, хўжаликларга боғланган вакил сифатида фидойилик намунасини кўрсатди. Ўша пайтдаги туман раҳбари Ўктамжон Эргашев билан бамаслаҳат 1890 йилларда қурилган, қаровсиз қолган тарихий обиданинг қайта таъмирланишига, пойтахтдаги "Шаҳидлар хотираси" музейидан андоза олган ҳолда туман тарихи музейининг барпо этилишига катта ҳиссасини қўшди. Халқимизда "Яхшидан боғ қолади" нақли бежиз айтилмаган. Норинда Равшан Мирзаолимовдан эътирофга сазовор ташаббус, амалга оширилган ишлар қолмоқда. У журналист, маънавият ва маърифат фидойиси сифатида қаламга олган "Қабристон – яйлов эмас", "Биздан обод Ватан қолсин", "Ҳаққулобод катта ариғи ҳашарга муҳтож", "Томорқа ёки ернинг уволи тутмасин", каби кўплаб мавзулардаги танқидий мақола ва чиқишларидан сўнг маҳалла, гузар, хонадон, қабристон ободончилигига катта эътибор қаратилди. Томорқадан самарали фойдаланиш бўйича ўн беш минг нусхада "Излаганга имкон кўп" номли тавсиявий китоб чоп этилиб, хонадонларга тарқатилди. Юқоридаги масалаларда вилоят, республика миқёсида кўплаб семинарлар ташкил этилди. Қаҳрамонимиз ана шундай меҳнатсеварлиги, инсоний фазилатлари билан ҳурмат-эътибор, дўсту қадрдон орттирди. Юрт раҳбарларининг назарига тушди. 2012 йилда "Эл-юрт ҳурмати" орденини кўксига тақиш бахтига муяссар бўлди.

Шундан сўнг бир неча йил вилоят матбуот бошқармаси бошлиғи вазифасида ишлади. Айни пайтда республика нашри "Қишлоқ ҳаёти" газетасининг вилоятдаги мухбири, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати қўмитасининг вилоят бошқармаси ахборот хизмати раҳбари вазифаларида ғайрат-шижоат билан меҳнат қилиб келмоқда. Яқинда "Ўзбекистон" телеканали орқали журналист Равшанбек Мирзаолимовнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида таниқли журналист Саодат Ўрмонованинг кўрсатуви намойиш этилди. Унда устознинг ҳали биз билмаган ижод қирралари, турмуш тарзи, деҳқончилик йўналишидаги саъй-ҳаракатлари ҳикоя қилинди. Ҳавас қилдик. Кўз тегмасин, дедик. Тиниб-тинчимас журналист Равшан ака биргина мухбирлик ёки ижтимоий фаоллик билан тўхтаб қолмаган. У яхшигина шоир, қатор шеърий тўпламлар муаллифи. Айни дамда қўшиқчилик санъатини ривожлантириш йўлида театр аҳли билан ҳамкорликни кучайтирган. Шу кунгача кўпчиликка сир бўлиб келган вилоят телевидениесининг илк чорлов қўшиғининг муаллифи бўлган Равшан ака янги асарлар яратишда самарали ижод қилаётир. Унинг йигирмадан кўпроқ қўшиқлари мухлислари мулкига айланган. Жарангдор, юқори пафосдаги сатрлари сизга ҳам манзур бўлиб улгурган бўлса ажабмас. Устоз журналист Равшан ака Мирзаолимов ўзи туғилиб, ўсган қишлоғини, Наманганни жонидан ортиқ яхши кўради. Унинг ҳар қарич ерининг боғу бўстонга бурканишини ният қилади. Шунданми, томорқасини ораласангиз, кўз қувнайди. Бўш вақтини асалари, қўй парвариши билан ўтказишни хуш кўради. Қўш равотли дарвоза олдига экилган марварид тутга аллақачон маҳалла болакайлари "Равшан бобонинг тутти" дея ном қўйиб олишгани бежизга эмас. Тўғриси, ҳар баҳор тут пишиғида унинг ҳовли саҳни маҳалла болалари билан гавжум бўлади. Жажжиларнинг мухбир бобоси уйдан этак олиб чиқиб, тут тагига тўшайди. Тутни қоқиб, кичкинтойларни меҳмон қилади. Бу манзаранинг гаштини эса четдан кузатиб, роҳатланади. Завқ-шавққа тўлиб, илҳомланади. Шу кўйи ижодхонага кириб, қўлига қалам олади. Чунки, уни ҳурматлаб, қадрини юксакларга кўтараётган халқи, ватани олдида ҳали қиладиган ишлари, ёзадиган мақолалари кўп. Худди пишиб, ерга тўкилаётган, асалдек таъмли марварид тут доналаридек.



**Рисликхон МАЖНУНОВА,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.**

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

# "ОҚ СУВ"НИНГ ОЙДИН ЙЎЛИ"

*Ҳазрат Навоий бобомизнинг "Деҳқонки ер титиб уруғ қадар, бу иши билан ризқ йўлин очар" деган сўзлари гўё қўрғонтепалик тадбиркор Алижон Аҳмедовга айтилгандай. Чунки у ер билан тиллашган, меҳнатдан бахт топган, ибратли ишлари билан элда азиз бўлган инсон.*




Асли касби инженер-механик бўлган Алижон Аҳмедов иқтисодни яхши билган, тадбиркорлик сирларини илғай олган. Унга нисбатан "мамлакат миқёсида тадбиркорларнинг етакчиларидан эди", дея таъриф берилиши бежиз эмас. Боиси "Оқ сув" фермер хўжалигини ташкил қилиб, маҳаллий шароитда эртапишар буғдой ва пахта навларини етиштириш, қишлоқ хўжалиги, айниқса, чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш борасида катта ютуқларни қўлга киритган. Ватан равнақи, келажаги йўлида сидқидилдан хизмат қилган чинакам ўзбек фарзанди эди. А.Аҳмедовнинг зукколиги, ҳар ишнинг ечимида ақл-идрокка суяниши, ўз вақтида бажариши, натижа бермаган тажриба ҳам ғалаба эканлигига ишончининг қатъийлиги "Оқ сув" довруғини таратди.

Қобилжон Асқаровнинг "Hamkorbank" АТБ молиявий кўмагида чоп этилган "Оқ сув"нинг ойдин йўли" китобида банкнинг кўп йиллик мижози Алижон Аҳмедовнинг босиб ўтган йўли ҳақида сўз боради. Оиласи, фарзандлари, иши ва намунали ҳаёти ибрат сифатида келтирилган. Умр бўйи инсонларга яхшилик улашиб яшаган қаҳрамонимиз фарзандларини халққа хизмат қиладиган инсонлар қилиб вояга етказди.

Инсон умрини оқар дарёга ўхшатишади. Бир марталик берилган ҳаёт давомида мазмунли яшашни истайди ва ўзидан яхши из қолдиришга уринади. Жамиятда ўрнини топиш ва фойда келтириш эса ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Бироқ, Алижон Аҳмедов мазмунли ҳаёт кечирди ва юқорида айтилганидек ўзидан мазмунли из қолдирди.

Азиз муштарий!

Сиз "Оқ сув"нинг ойдин йўли" китобини мутолаа қилиш асносида миришкор деҳқоннинг юртига меҳрини туясиз. Вақтни бесамар ўтказмагани, каттаю-кичикни ҳурмат қилган, самимий инсон эканлигига гувоҳ бўласиз. Кўплаб ибратли ва хайрли ишлари билан намуна кўрсатгани, яратувчанлик ва бунёдкорлик ишлари билан танишасиз. Хулоса қилиб айтганда, қалби очиқ, дилкаш инсон билан ғойибона суҳбатлашасиз.

**ТАҲРИРИЯТ**

# ХАВФСИЗ, МУНОСИБ МЕҲНАТ ШАРОИТЛАРИНИ ЯРАТИШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНАДИ

***Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституция ҳамда Меҳнат кодексига меҳнат муносабатларини тартибга солишга оид янги нормалар киритилди.***

Хусусан, мажбурий меҳнатнинг, шунингдек, болалар меҳнатининг уларнинг соғлиғи, хавфсизлиги, ахлоқи, ақлий ва жисмоний ривожланишига хавф солувчи, шу жумладан, уларнинг таълим олишига тўсқинлик қилувчи ҳар қандай шакллари тақиқланиши белгилаб қўйилди.

Бу Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш Миллий комиссиясининг навбатдаги мажлисида қайд этилди.

Миллий комиссия раиси Танзила Норбоева бошқарган мажлисда одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ишлар, халқаро ҳамкорлик доирасида эришилган натижалар ҳамда келгусидаги вазифалар муҳокама қилинди.

Соҳага доир қонунчилик асосларини мустаҳкамлаш ҳамда қонунчилик базасини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш ишлари изчил давом эттирилди. Биргина 2022 йилда 11 норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди.

Янги лойиҳаларни амалга ошириш, халқаро рейтингларда Ўзбекистоннинг позициясини янада мустаҳкамлаш мақсадида Миллий комиссия томонидан тасдиқланган "Йўл хариталари" ижросини таъминлашда салмоқли натижаларга эришилди.

2022 йил мажбурий меҳнатга қарши курашиш борасида амалга оширилган ишлар натижасида ўзбек пахтасига қўйилган кўплаб тақиқлар олиб ташланди. Бу эса тадбиркорларимиз учун улкан имкониятлар эшигини очди.

Тадбирда пахта-тўқимачилик саноатидаги корхоналар фаолиятига халқаро стандартларни кенг татбиқ этиш ва бу орқали корхоналарда муносиб меҳнат тамойилларига эришиш устувор вазифалардан бири сифатида белгилаб олинди.

2022 йилда ушбу тармоқ корхоналари фаолиятига "Better work" ҳамда "BCI" халқаро стандартларини татбиқ этиш бўйича бошланган ишларни изчиллик билан давом эттириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Хусусан, "Better work" дастурига старт бериш бўйича Халқаро меҳнат ташкилоти ва Миллий уч томонлама ҳамкорлар ўртасида имзоланган меморандум ҳамда "BCI" халқаро стандартларини татбиқ этиш бўйича "Better cotton" ташкилоти, Миллий комиссия ва "Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмаси томонидан тасдиқланган "Йўл харитаси" ижросини таъминлаш бўйича аниқ вазифалар белгиланди.

Халқаро стандартларни амалиётга татбиқ этиш, ўзаро тажриба алмашиш мақсадида Миллий комиссия қошида "Better Cotton" стандартларини татбиқ этиш бўйича Миллий маслаҳат Кенгашини ташкил этиш масаласи муҳокама этилди ҳамда қўллаб-қувватланди.

Мажлисда одам савдосига қарши курашиш масалалари бўйича Ички ишлар вазирлиги, мажбурий меҳнатга қарши курашиш масалалари бўйича Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги раҳбарлари, ҳудудий комиссиялар вакилларининг ҳисоботлари эшитилди ҳамда муҳокама қилинди.

Комиссия аъзолари, мутасадди вазирлик ва идоралар, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан Миллий комиссиянинг тегишли қарори қабул қилинди.

**Н.АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири.**

БУХОРО ВИЛОЯТИ

# ҒАЛЛАДАН БЎШАГАН МАЙДОНГА ТАКРОРИЙ ЭКИН ЭКИЛАДИ

*Бухоро вилояти Вобкент туманида 332 фермер хўжалиги ихтиёридаги 6 минг 210 гектар майдонда буғдойнинг "Алексеевич", "Старшина", "Вата" каби серҳосил навлари экиб парваришланди. Ғалла ўрим-йиғими даврида туманда 20 ўрим-йиғим отряди ташкил этилди. Ҳар бир отрядга юқори унумли комбайн ва экипаж бириктирилгани ҳолда бу кеча-кундузда ҳам ўрим-йиғим, далани сомондан тозалаш ишлари қизғин давом этмоқда.*





Ҳар йилги агротехник анъанага мувофиқ, жорий йил туманда ғалла ҳосилидан бўшатилаётган ер майдонининг 170 гектарида сабзи, 74 гектарида шолғом, 78 гектарида турп, 82 гектарида лавлаги, 120 гектарида тарвуз, 90 гектарида қовун, 44 гектарида ошқовоқ, шунингдек, 613 гектарида кунгабоқар, 274 гектарида мош, яна шунча гектарда ловия, 100 гектардан ошиқ ерда картошка экиб етиштириш чора-тадбири кўрилмоқда. Худди шундай, чорва моллари учун озуқа базаси захираси учун қарийб 2 минг 100 гектар ер майдони ажратилмоқда. Шундан 2 минг 548 гектарда тариқ, маккажўхори ва бошқа озуқабоп экинлар етиштирилади.

Умуман, ҳудудда буғдой етиштирилган контурларнинг жами 6 минг 199 гектар ер майдонида такрорий қишлоқ хўжалиги экинларини экиб парваришлаш, пировардида элимиз дастурхони тўкинлиги учун эҳтиёжга яраша сабзавот-полиз маҳсулотлари билан бирга чорва мажмуаси учун талаб қилинаётган захирани тайёрлаш мақсад қилинган.

Шу нуқтаи назардан, туманнинг "Garden Bukhara Agroclusster" МЧЖ да қишлоқ хўжалигига дахлдор корхона ва ташкилотлар, фермер хўжаликлари масъуллари иштирокида ғалладан бўшаган ерларга қишлоқ хўжалиги экинларини такрорий экиш, агротехник тадбирларни ўтказиш, талаб этиладиган моддий ресурсларни ўз вақтида етказиб беришга бағишланган кўргазмали ўқув-амалий семинари бўлиб ўтди.

Туманнинг Қўнғирот ва Янгикент ҳудудларидаги "Garden Bukhara Agroclusster" МЧЖ тасарруфидаги 375 гектар майдонда бу йил "Бухоро-8" навига мансуб саноат хом ашёси парвариш қилинаётган бўлса, яна юз гектардан ортиқ майдонда "Старшина" ва "Гром" навига мансуб ғалладан баракали ҳосил етиштирилди. Бугунга келиб биргина пахта етиштирилаётган майдондан 1 минг 500 тонналик "оқ олтин" хирмони бунёд этиш мақсад қилинган бўлса, шу кунларда сомондан тозаланаётган контурларни эҳтиёжманд аҳоли вакилларига тенг тақсимлаб бериш ишлари бошланган.

Шунингдек, сўнгги уч-тўрт йилда ҳудудда "Garden Bukhara Agrocluster" МЧЖ ва бошқа хўжаликларда яна 208 гектар интенсив боғ барпо қилинди. Олма, ўрик, сара навли узумзор кенгайтирилмоқда. Барпо қилинаётган токзор ҳисобидан ҳосилдорлик ҳам йил сайин ошмоқда. Бошқача айтсак, ҳудудда ихтисослашган фермер хўжаликларида етиштирилаётган сара узум ҳосили ўтган мавсумда 3 минг тоннадан оширилгани ҳам элимиз дастурхони тўкинлигини таъминлашда катта аҳамиятга эга.

Экин еридан унумли фойдаланиш, бу жараёнда ҳар бир маҳаллада ижтимоий муҳофазага олинган, "Темир дафтар", "Аёллар дафтари", "Ёшлар дафтари"дан ўрин олган камхарж, меҳнатга лаёқатли оилалар даромадини ошириш, моддий таъминотини яхшилашга эътибор қаратилмоқда. Уларга сабзавот-полиз, мойли экинлар ҳамда чорва озуқаси экинлари учун уруғлик таъминоти, ер тайёрлаш ва суғориш ишларида фермер хўжаликлари масъул эканлиги алоҳида таъкидланди. Албатта, бу чора-тадбирлар жойларда ишчи гуруҳлари томонидан алоҳида назоратга олинмоқда.

**Зариф КОМИЛОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Улуғ айём – Қурбон ҳайити муборак бўлсин!

# *Китобхонлик –* БУЮК КЕЛАЖАК КАФОЛАТИ

*Юртимизда аҳоли, хусусан, ёшлар ўртасида китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини оширишда бир қатор муаммолар мавжудлигини қайд этиш лозим. Аввало, бадиий, маърифий, илмий-оммабоп, тарбиявий, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга қаратилган адабиётларни чоп этиш, улар билан таълим муассасаларини таъминлаш, миллий ва жаҳон адабиёти намояндаларининг етук асарларини саралаш, таржима қилиш ишлари пухта ўйланган тизим асосида ташкил этилмаган. Чоп этиладиган китобларни нашриётлардан ҳудудларга арзон нархларда етказиш, онлайн буюртма бериш ва манзилга етказиш тизими суст ривожланган, шунингдек, аҳолига хизмат кўрсатишда электрон китоб шаклларидан кенг фойдаланиш яхши йўлга қўйилмаган.*



Китобхонлик маданияти, дея кўп гапирамиз. Хўш, китобхонлик маданияти деганда нимани тушунамиз? Назаримда, ўзининг касбий-мутахассислик ҳамда бадиий-маънавий баркамоллигини ошириш учун китобни танлай олиш ва ўзи учун зарурини ўқиш, китоб устида ишлаш малакасини обдон ўрганиш ва унга чуқур амал қилиш, китобни мустақил ўқий билиш, ўқиган китобининг асосий мазмунини талқин қила билиш, унинг фусункор оламига кира билиш, ўқиганларидан ҳаётий хулосалар чиқариш, китобнинг керакли, зарур жойларини ён дафтарчага кўчириб олиш, нотаниш бўлган сўзларни эсда сақлаб қолишга интилиш, мунтазам равишда ўқиш кўникмасига эга бўлиш, ҳар бир яхши китобни илм қалъасининг калити деб билиб, унинг боқий умрини таъминлаш ва ҳокозоларни тушунамиз. Шу ўринда ёшларимизнинг китоб ўқишга бўлган қизиқишини янада ошириш мақсадида уларнинг олий таълим муассасаларига ўқишга кириш давларида "Ўзбек тили ва адабиёти" фанидан иншо ёзиш бўйича қўшимча синовни ташкил этишни мақсадга мувофиқ, деб биламиз. Гап шундаки, ҳар йили касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларни 550-600 минг атрофидаги йигит-қизлар битириб, олий таълим муассасаларига ўқишга киришга ҳаракат қилишади. Ёзилиши тавсия этилаётган иншо эса уларнинг бадиий асар ўқишга бўлган масъулиятини сўзсиз оширади. Айни пайтда мутахассислар, соҳа ходимлари "Ёшларга тавсия этилаётган 100 та асар" рўйхатини тузиш, унда миллий ва жаҳон адабиётининг нодир дурдона асарларини ўқишни тавсия этиш ҳам муайян аҳамиятга эга бўлади, деб ўйлаймиз. Китоб ўқиш барчамизнинг маънавий оламимизни бойитади, сўзлашув маданиятимизни оширади. Айрим ҳолларда муқаддас ўзбек тилимиздаги айрим ватандошларимиз "хизмати" туфайли дағаллашиб, камбағаллашиб бораётганлигининг олдини олиш учун ҳам китоб ўқиш лозим. Ваҳоланки, бизнинг ўзбек тилимиз дунёдаги энг бой тиллар қаторига киради. А.С.Пушкин бутун ижоди давомида жами 21197 та сўз қўллаган бўлса, Шекспир асарлари тилида жами 20 мингдан ортиқ сўз қўлланилган. Испан олимлари Сервантеснинг ижодида 18 минг сўз қўлланилгани ҳақида маълумот берганлар. Буюк бобомиз Алишер Навоий асарларида қўлланилган сўзлар сони эса 26 мингдан ортиқ экан.

Ҳар қандай бузғунчи куч ва хуружни юксак маданият билан енгиш мумкин. Шу маънода китобхонлик бугун барчамиз учун ҳаётий заруриятга айланмоғи керак. Ушбу масалага шахсан давлатимиз раҳбари томонидан алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада муҳим вазифаларнинг белгилаб берилаётгани барчамиз учун янги ибрат босқичидир.

**Хуршида БЕРДИЕВА,**
**Тошкент тиббиёт академияси ассистенти.**




Қутлов







Qishloq hayoti

**МУАССИСЛАР:**
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комплекси таркибидаги ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

**Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ**

**Таҳрир ҳайъати:**
Шавкат ҲАМРОЕВ, Азиз ВОИТОВ,
Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ,
Актам ХАИТОВ, Маҳмуд ТОИР,
Ҳабиб ТЕМИРОВ *(бош муҳаррир ўринбосари)*,
Раимқул СУЯРОВ *(бош муҳаррир ўринбосари)*.

Саҳифаловчи-дизайнер: Маркс ЮСУПОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.
НАШР ИНДЕКСИ – 144.
Буюртма Г-640. 1756 нусхада чоп этилди.

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Телефонлар: Қабулхона – (0-371) 236-26-50, 233-09-93, 95-080-43-70, 99-050-69-45.
Реклама ва эълонлар – (0-371) 236-26-50, (0-371) 233-28-04.
**e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru** Баҳоси келишилган нархда.

ISSN 2010-7021

Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 17.00